



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 14 (650)
2019 йил
12 апрель,
Жума


Ижтимоий-сиёсий газета

2006 йил 31 апрель

www.jamiyatgzt.uz



jamiyat@umail.uz



**«ҲУМО АРЕНА» БИЛАН
ЯНАДА БАЛАНД ПАРВОЗ**

3-с.

**Буюк келажак —
беш ташаббус**



**«АЛПОМИШ» ДАН
КУЧ ОЛИБ, ЎЗБЕК ТИЛИНИ
ЎРГАНДИМ**

4-с.

5-с.




**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг Ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

ДЕПУТАТЛАР НЕГА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛА ОЛМАЯПТИ?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда мансабдор шахслар томонидан депутат ҳамда сенаторлар олдидаги ўз вазифасини бажармаслик, уларнинг ишига тўсқинлик қилиш ёки атайлаб сохта маълумот бериш, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан парламент сўрови, депутат сўрови, сенатор сўровини кўриб чиқмаслик ёхуд кўриш муддатини узрли сабабсиз бузиш учун жавобгарлик белгиланган. Аммо ўрганишлар ушбу жавобгарлик чоралари амалиётда деярли қўлланилмасдан келинаётганини кўрсатган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида шу каби муаммолар муҳокама қилинди. Таъкидланишича, Олий Мажлиснинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлашга қаратилган ишлари сезиларли даражада фаоллашмоқда. Айниқса, марказда ҳам, маҳаллий кенгашларда депутатлар маҳаллий бюджетни тасдиқлаш, унинг ижросини назорат қилишдан тортиб, ҳудуддаги энг долзарб масалаларни ҳам бевосита халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари-

да кўриб чиқиб, ҳал этмоқда.

Шу билан бирга, сессияларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, таълим каби муҳим соҳа раҳбарларининг ҳисоботларини доимий равишда эшитиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси депутатлик корпусининг фаолиятини тубдан ўзгартириб, қонунчиликда белгиланган ваколатлардан унумли фойдаланиш самаралорлигини оширмоқда.

Бироқ амалиёт депутатлик корпуси вакиллари тўлақонли фаолият олиб боришига тўсқинлик қилувчи айрим омиллар, жумладан, парламент назоратининг муҳим институтларидан ҳисобланган депутат сўрови ва сенатор сўрови институтидан фойдаланиш, унинг кафолатларини янада

мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалалар борасида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2017-2018 йиллар давомида маъмурий судлар томонидан айни йўналишда атиги 12 та иш кўрилган. Ваҳоланки, шу йилларда республика бўйича барча даражадаги депутатлик корпуси аъзолари томонидан мансабдор шахсларга жами 62 минг 714 та депутатлик сўрови юборилган бўлса, улардан 4 минг 499 тасининг кўриб чиқиш муддати узрли сабабларсиз бузилган. 2 минг 956 таси эса умуман кўриб чиқилмасдан қолдирилган.

Агар хоризж тажрибасига таянмаса, айниқса, Европа мамлакатларининг қонунчилигида мансабдор шахслар томонидан депутатлар фаолиятининг қонунда белгиланган кафолатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, Россия, Польша, Украина, Молдова каби давлатларда ушбу жавобгарликни депутатнинг тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиши асосида расмийлаштириш тартиби белгиланган.

Депутатларнинг айтишича, депутатлик корпуси аъзоларига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш ҳуқуқи берилмаган. Натижада депутатлар бу масалада бошқа органларга мурожаат қилишга мажбур. Қолаверса, мансабдор шахснинг жавобгарлик масаласини ҳал этиш борасида депутат мустақил қарор қабул қила олмайди. Тегшли давлат органининг депутат таклифига рози бўлиши ёки бўлмаслигини кутади. Бу эса амалиётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга халқ ноибларига тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беришга доир қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

Даволанишда аниқ чегара ўрнатилмаган

Соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда ечимини кутаётган бир қанча камчилик ва муаммолар соҳани янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Масалан, давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар доирасини аниқ белгилаб, пулли ва бепул даволаниш ўртасида аниқ чегара ўрнатилмагани ёки давлат шифохоналарини молиялаштириш тизимидаги камчиликлар бунга мисол бўла олади. Айниқса, депутатлар томонидан жойларда аҳоли билан бўлган учрашувларда фуқаролар даволаш профилактика муассасаларида баъзи ҳолатларда пулли хизмат кўрсатилаётгани, уларнинг туман шифохоналарида даволаниш вақтида шифокор томонидан зарур дори-дармонларни олиб келиниши сўралаётганини маълум қилган.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида журналистлар шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилди. Таъкидланишича, 2019 йил 1 апрелидан Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг биттадан туманида ҳамда Фарғона вилоятининг 3 та туманида тажриба тариқасида тиббиёт муассасаларини «ҳар бир даволанган ҳолат» учун клиник харажат гуруҳлари бўйича киши бошига молиялаштириш тизими жорий этилмоқда. 1 июлдан эътиборан айрим даволаш-профиллак-

тика муассасаларини ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари асосида белгиланган тартибда инвесторларга Ишончли бошқарувга бериш, 2021 йил 1 январдан бошлаб юртимизда мажбурий тиббий сугурталашни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда. Давра суҳбати якунида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратил-

ган ишлар изчиллигини таъминлаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада раванқ топишига хизмат қиладиган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясида белгиланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш юзасидан қўмитанинг тегшли қарори қабул қилинди.

Саҳифа материалларини «Жамият» муҳбири Хайрулло АСТАНАҚУЛОВ тайёрлади.

Ишбилармон Фаттоҳ Шодиев ташаббуси билан «Шодиев Халқаро фонди» жамғармаси томонидан Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 миллиард сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.



«Хумо арена» билан янада баланд парвоз

Юртимизда қишки спорт турларини ривожлантириш бўйича бошланган кенг қўламли ишлар ўз натижаларини бера бошлади. Хусусан, тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Жорий йил февралда хоккей бўйича биринчи чемпионатга старт берилди. Яқинда Россиянинг Красноярск шаҳрида бўлиб ўтган қишки Универсиадада мамлакатимиз спортчилари илк бор иштирок этди. Айниқса, ана шу мусобақаларга ҳамоҳанг «Нумо» замонавий муз саройининг фойдаланишига топширилиши спорт тарихида янги саҳифани очиб берди.

ния, Италия, Бельгия, Франция, Финляндия, Россия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган техника ва технологиялардан фойдаланилган. Албатта, шу пайтгача қишки спорт турлари бўйича ютуқлар қўлга киритилди. Аммо улар ёзги спорт турларига қараганда анча кам. Масалан, Ўзбекистонда муз устида хоккей спортига 1972 йили асос солинган, 1980 йилларда хоккей мусобақалари тўхтатилган. Фақат 2019 йилга келиб, мамлакатимиз-



бақаларимиздаги иштирокимиз беради. Бир кун келиб, бундай мажмуалар ўз вақтида қурилганига янада амин бўламиз.

Келинг, шу ўринда кўнглимиздан кечган айрим ҳақиқатларни айтилик: «Хумо арена»си кимларгадир ёки дунёга кўз-кўз қилиш учун қурилмади. Ҳайбатини кўриб, келганлар кимлигимизга баҳо бериши учун бунёд этилмади. Бундай мажмуалар Ўзбекистон учун зарур эди. Негаки, спортнинг қай тури бўлмасин, у энг аввало, мустаҳкам саломатлик гаровидир. «Хумо» ҳам ўз бағрида жисмонан соғлом, руҳан тегик ёшларни камолотга етаклаши шубҳасиз. Ушбу муҳташам бино бунёдидан ҳам айна шу мақсад кўзланган.




да музей, фитнес-марказ, ресторан ва дўконлар ҳам бор. Ушбу лойиҳа қарийб 200 миллион АҚШ долларига баҳоланган. Қолаверса, мажмуа имкониятларидан нафақат профессионал спортчилар, балки оддий одамлар ҳам бемалол фойдаланиши мумкин. Келгусида болалар учун хоккей ва фигурали учиш мактаблари фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Фигурали учиш мактабига болалар 3 ёшдан, хоккей мактабига эса 5 ёшдан қабул қилинади.

да хоккей жамоалари ўртасидаги мусобақалар қайта тикланди. Ана энди «Хумо арена» юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш, йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш, энг муҳими, ёшларни қишки спорт турларига ҳам кенг жалб этишда муҳим омил бўлади. Шунингдек, кўп тармоқли спорт-кўнгличлар иншооти сифатида барча аҳоли қатламларининг жисмоний ва маданий камолотига хизмат қилади.

Муз сарой лавҳалари

Ўз навбатида, мазкур лойиҳа хусусида тўхталсак. «Хумо» муз саройининг қурилиши 2017 йил январидан бошланган. 74000 квадрат метрда икки арена ташкил этилган бўлиб, улардан бирида асосий мусобақалар, иккинчисида машгулотлар ўтказилади. Айтиш мумкинки, қишки спорт мусобақаси бўлиб ўтаётган пайти асосий арена 12500 томошабинни ўз бағрига сиғдира олади. Мутахассисларнинг айтишича, «Хумо»да хоккей, фигурали учишдан ташқари, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол мусобақалари, шунингдек, концерт, бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш имконияти ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, кўп тармоқли муз саройининг ичи-



Юртдошларимиз нима дейди?

— Очиғи, телевизорда «Хумо арена»нинг очилиш маросимини кўриб жуда фахрландим, — дейди мирзачўллик Тоштемир Аҳмедов. — Мен нафақат ўзим учун, балки фарзандларимизнинг келажиги учун хурсанд бўлдим. Келгусида бундай мажмуа ва марказларни мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳам қуриш кўзда тутилгани ҳеч бир мулоҳазасиз тарихий воқеалик бўлади.

— Азалдан хоккейга қизиқаман, — дейди тошкентлик Олег Игамбердиев. — Аслида бу спорт тури ҳам футболдек завқли. Тезкорлик, чаққонлик, моҳирлик, куч талаб этиладиган ўйин. Бир неча йил илари хоккей томошаси учун Алмати ёки Москва шаҳрига борардим. Телевизорда «Хумо» лойиҳасини намойиш этишганда энди сезимли ўйинимни ана шундай чиройли ва файзли мажмуада юртдошларим билан бирга томоша қилишдан роса қувондим. Иншоот мен ўйлаганимдан ҳам чиройли бўлибди. Энг муҳими, ишқибозлар учун мухлислик қиладиган жамоалар бор.

— «Хумо» ҳақида бир йилча аввал ўқигандим, — дейди ўқитувчи Пардабой Сайфуллаев. — Очиғи, улкан бунёдкорлик ишлари туфайли юртимизнинг ҳар бир гўшасида неча-неча иншоотлар қад ростлаётган айна бир пайтда муз сарой ҳам одатий янгиликдек туюлиши мумкин. Аммо ҳақиқий баҳони келажак авлод, қишки мусо-

Тан олиш керак, Ўзбекистонда шу пайтгача қишки спорт турлари бўйича зарур кадрлар еттиштириш суст, соҳада устоз мураббийлар эса жуда кам эди. Шунинг учун «Хумо» аренаси лойиҳасида бу бинода шугулланадиган ёшларга қишки спорт турларини профессионал шаклда ким ўргатади, деган савол ҳам пайдо бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан айна масала ҳал этилди. Яъни, маҳоратли россиялик спорт усталари, жаҳон чемпионлари жалб этилди. Уларнинг Тошкентда самарали фаолият олиб бориши, ёшларимизга сифатли устозлик қилиши, ўз тажрибалари билан бўлишиши учун уйлар тақдим этилди.

Ҳаммиси давомли

«Хумо» аренаси очилиши маросимида Президентимиз таъкидлаганидек, Ватанимиз спортчилари фигурали учиш, хоккей, тоғ чангиси, фристайл, сноуборд каби энг томошабоп қишки спорт турларида ҳам муносиб иштирок этишига интилоқдамиз. Фристайл бўйича қишки Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларидаги олтин медаллар, фигурали учиш бўйича Осиё ўйинлари ва бошқа халқаро мусобақаларда қўлга киритилган етмишдан ортиқ медал бу борадаги ютуқларимиздир. Биз ушбу шонли спорт аъёнларини давом эттиришни бурчимиз деб биламиз.

Руфат НЕЪМАТОВ,
«Жамият» муҳбири



ҚИСКА САТРАЛДА
ЎҚИҒИ!

Бўкадаги қаровсиз ҳолда бўлган эски стадион ўрнига туман «Маънавият ва маърифат» экопарки қурилади.



«Алпомиш»дан куч олиб, ўзбек тилини ўргандим

Ўтмиши, шонли тарихини унутмаган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди. Айниқса, аждодларимизнинг бой ва қадимий анъаналарни мужассам бўлган ўзбек халқ достонлари, уларнинг ўзига хос ижроси асрлар давомида халқимизга завқ-шавқ бағишлаб келмоқда. Маънавий хазинанинг бебаҳо қадрияти сифатида эъвозланмоқда.

Маълумки, бахши-шоирлар, оқин-жировлар азалдан одамларга эзгулик ва маърифат тарқатувчи, ёшларни ватани севиш, мардлик ва ҳалоллик руҳида камолга етказувчи улуғ инсонлар сифатида қадрланган. Президентимиз ташаббуси билан Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ҳам том маънода мана шундай буюк кучни қалбларга жо қила олган муҳим ҳодиса бўлди. Бу нафақат юртдошларимиз, балки бахшичилик ривожланган қардош халқларнинг ҳам тантанасига айланди.

10 апрель кuni нихоясига етган фестивалда дунёнинг 80 га яқин давлатидан келган санъат шайдолари, мусиқашунос олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари ушбу санъат турини жаҳон узра тараннум этиш, халқларни маданиятлараро, миллатлараро яқинликка чорлаш каби эзгу ноғалар атрофида бирлашди. Буни фестивал иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Зеки ЭРДАЛИ (Туркия):

— Бахшининг дил тўридан, юрак қўридан, интиҳосиз куйилиб келадиган ажиб сатрлар тингловчилар тасаввурида эзгу ва боқий қадриятларни жонлантиради. У юрт маҳли, ёр васфи, адолат, хурлик ва кўнгил тантанасида ўз мақсадини мужассам этади.

Мен турли давлатларда бўлиб, турк бахшичилиги намуналарини ижро этганман. Аммо дунёнинг ҳали ҳеч бир мамлакатда бахшиларга бу қадар юксак ва катта эътибор қаратилганига гувоҳ бўлмаганман. Термиз Бахшилар мактабида ўқувчилар халқ бахшиларидан сабоқ олар экан. Очиғи, ўзбекистонлик бахшиларга ҳавасим келди. Юртингизда бу санъат турини келгуви авлодларга етказиш йўлида қўйилган пойдевор бошқа халқлар учун намуна бўла олади.

Ингён О (Жанубий Корея):

— «Алпомиш» ва «Жумонг». Бу ўзбек ва корейс халқ достонлари. Буларнинг умумий жиҳатлари бир-бирига жуда яқин. Ҳар иккисидан ҳам қаҳрамонлик, мардлик, эл-юрт ҳамжиҳатлиги ва фаровонлиги ноғалари улуғланган. Халқларнинг миллий ифтихорига айланган бу бетакорр эпослар асрлар давомида кишиларга руҳий-маънавий қувват бахш этиб келмоқда.

«Алпомиш» — бетакорр эпик



асар. Тўғри, дунёда йирик достонлар кўп. Аммо бу достон уларнинг барчасидан қамрови ва бадий мукамаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам уни катта қизиқиш билан ўргандим. Натижада, «Алпомиш» ва «Жумонг» эпосларини солиштирган ҳолда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. «Алпомиш»дан куч олиб, ўзбек тилини ўргандим. Ўзбек халқ оғзаки ижодига меҳр қўйдим.

Маматқул Жўраев, филология фанлари доктори, профессор:

— Бахши сел бўлиб узоқ куйламоқда. Майин эсаётган шаббода унинг соҳир овозини олис-олисларга олиб кетаётир. Бахшининг овози-



даги нола, дардан қалбингизга титроқ инади. Ажиб ҳислар, хотиралар гирдобига чорлайди. Бундан беихтиёр қалбингиз бепоён адирдиқлар, кенгликлар, ям-яшил ўтлоқлар, баланд қоялар сари талпинади. Бу туйғу сизни санъат, соғна, мусиқага бўлган меҳрингизни ипсиз ришталар ила боғлайди.

Мен ҳар гал бахшининг сеҳрли соғна, жарангдор овозига маҳлиё бўлганимда ўзимда мана шундай бетакорр туйғуларни сезаман. Ҳақиқатан, уларнинг ширали овозида кишини аллалайдиган ажиб сеҳр бор. Шунинг учун ҳам бу — боқий санъатдир. Ўзлимизни, миллийлигимизни тараннум этувчи санъат. Президентимиз ташаббуси билан

юртимизда Халқаро бахшичилик фестивалининг ташкил этилганида ҳам олам-олам маъно мужассам. Илк бор дунё бахшичилик йўналишида ижод қилаётган санъат ихлосмандларини бир нуқтада жам этган фестивал том маънода бирдамлик, биродарлик байрамга айланди. Қадим тарихимиз, халқимизнинг теран маданий илдизларини ўзида акс эттира олди.

Улжон БАЙБУСИНОВА, Халқаро бахшичилик фестивали Гран-при соҳибаси (Қозоғистон):

— Ўзбек халқ достончилигига қизиқишим жуда баланд. Достонлардаги девқомат, мард, жасур, юртсевар қаҳрамонлар хаёлларимда яшайди. Халқаро фестивалда «Гўрўғли» достонидан парча куйладим. Шундай нуфузли танловда энг олий ўринни эгаллаганимдан беҳад шодман. Қувончимнинг чеки йўқ. Буни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Танловда кўпгина давлатларнинг халқ оғзаки ижоди ва уларни ижро этиш услуби билан танишдим. Тажриба алмашдим. Сурхондарё вилоятининг тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари ва диққатга сазовор жойларига саёҳат қилганимиз, очиғи, қутилмаган ва унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Бу қадимий заминда ўтган кунларим хотирамдан сира ўчмайди.

Талғат ЎРИНБЕКОВ, Халқаро бахшичилик санъати фестивали совриндори:

— Болалигим бахшичилар даврасида ўтган. Кишининг узун кечаларида отамнинг дўстлари уйимизда тўпланиб, сандал атрофида термалар айтарди. Уларнинг айтишувлари мени аллаларди. Аммо ухлаб қолмаслик учун ўзимда куч топардим. Отамнинг пинжида тонгача мижжа қоқмай ўтириб чиқардим. Эртаси кун мактабда тундаги айтишувлардан ўртоқларимга хиргойи қилиб берардим. Аслида, менга шу қизиқ эди. Кейинчалик бу қизиқиш мени санъат оламига чорлади.

Сурхондарёнинг азим тоғлари, бепоён кенгликлари, ўзига ром этувчи мусавфо табиатидан иккинчи бор баҳраманд бўлишим. Ўтган йили Олтинсой туманида ўтказилган бахшичилик фестивали иштирокчиси бўлгандим. Бу йил эса халқаро фестивалда иштирок этиб, «Оқинчилик» йўналиши бўйича фахри 1-ўринни эгалладим ҳамда биринчи даражали диплом ва 5 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирландим. Фестивалдан ўзим учун кўп нарса олдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Чет давлатлар санъатидан баҳраманд бўлдим. Оз бўлса-да, уларнинг миллий қадриятлари билан танишдим. Мана шундай талбирлар кўпроқ бўлишини истаيمان.

Баҳринисо МАДУМАРОВА
ёзиб олди.

Тадбир Мақсадимиз — халқни рози қилиш

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да айни кунларда «BankExpo — 2019» банк-молия хизматлари, ускуналари ва технологияларининг Миллий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Унда Халқ банки ҳам ўзининг хизматлари акс этган стендлар, тарқатма материаллар, буклет ва флёрлар билан иштирок этмоқда.

Кейинги йилларда Халқ банкнинг эришаётган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан юксак баҳоларга сазовор бўлаётгани эътиборга молик. Жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг компанияси — «Standart & Poors» ҳамда миллий Ахборот Рейтинги агентликлари томонидан доимий равишда «УЗА», «барқарор» даражалари билан ишончи ва истиқболли, деяр юксак баҳоланмоқда.

2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига банкнинг жами капитали 1957,91, устав капитали эса 1779,07 миллиард сўмни ташкил этмоқда.


Президентимизнинг «Пенсия ва нафақалар тўлаш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан пенсия ва нафақалар Халқ банки томонидан аҳолига нақд пул кўринишида, ҳар ойнинг 27-санасигача тарқатиб келинмоқда. Шунингдек, юртимизда фаол талбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бизнесни юритишлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

«Ҳар бир оила — талбиркор» дастури асосида жисмоний шахсларга уй шароитида талбиркорлик билан шуғулланиши учун 3 йил муддатгача 6 ойлик имтиёзли давр асосида энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорда, давлат рўйхатидан ўтган талбиркорлик субъектларига эса лойиҳанинг ўзини қоплаш давридан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача бўлган миқдорда йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши эса аҳоли турмуш тарзини яхшилашда қўл келмоқда. Бунга айни кунгача банк томонидан 400 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кўргазма навильонидан ташкил этилган Халқ банки стендига кўплаб мижозлар, жумладан, ёш талбиркорлар, олий таълим муассасалари талабалари, юртимиз аҳолиси ва меҳмонлари қизиқиш билдирмоқда. Иштирокчиларга банкнинг малакали мутахассислари томонидан маслаҳатлар, саволларга жавоблар, шунингдек, банк хизматлари ҳақидаги тарқатма материаллар берилмоқда. Айниқса, Халқ банкнинг худудлардаги энг яхши ўн нафар мижози талбир доирасида банкнинг махсус ташаккурнома ҳамда осдалик совғалари билан тақдирлангани йиғилганларга ўзгача кайфият улашди.

Кўргазмада иштирок этаётган банкларнинг мақсади бир — халқни рози қилиш.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири



Анджонда Ҳиндистоннинг Шарда университети очилди. Ўқув жараёни 2019/2020 ўқув йилидан бошланади.



Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қиз ташкил этиши яхши маълум. Бу миллионлаб орзу-истак, миллион хил интилиш ва яна шунча тақдир дега-ни. Уларнинг ҳаммаси бир бўлиб, ягона истиқбол — Ўзбекистон келажакни яратади. Шундай экан, ёшларнинг орзу-истаклари, умидларига бефарқ, беэтибор бўлиш мумкин эмас. Тўғри, ёшликнинг жўшқин кучи, туганмас ғайрати ҳар қандай баланд марраларни забт этишга қодир. Фақат бунинг учун ҳам кези келганда имконият, шароит, рағбат зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта ташаббусда буларнинг барчаси бор.

Буюк адабиётимиз ва санъатимиз, албатта, бўлади

Бугун юртимиздаги 800 дан ортик маданият маркази, 312 та мусиқа ва санъат мактаби мавжуд. Аммо уларда қамраб олинган ўғил-қизлар сони, афсуски, жуда кам: атиги 130 минг нафар. Яна бир жиддий камчилик — мазкур муассасаларнинг аксарияти ўқув қўланмалари, ноталар тўплами, мусиқа асбоблари, мебель ва жиҳозлар билан старли даражада таъминланмаган. Мана шундай шароитда маънавияти-миз, маданиятимизнинг муҳим бўлаги санъатининг санъатимизнинг бугуни ва эртаси учун фарзандларимиздан катта-катта муваффақиятларни кутишга ҳақимиз борми? Йўқ, албатта. Шу боис давлатимиз раҳбарининг илк ташаббуси ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилди. Ушбу йўналишдаги ислоҳнинг дастлабкиси жойлардаги маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, уларнинг фаолиятини яхшилашдан бошланади.

Туман (шаҳар) маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғрақ ташкил этилади. Уларда болаларни рағбатлантириш, жумладан, ҳар хил танловлар ўтказиш чоралари кўрилади. Тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар,

қадамжо ва театрларда сайёр ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ташаббускор, истеъодли ёшлар ва маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказларида бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва «Ёшлар клублари» фаолияти йўлга қўйилади. Атоқли санъаткор ва истеъодли ижодкорлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади. Ушбу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам бериш туман ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасида.

Шунингдек, мусиқа ва санъат соҳасида олий маълумотли кадрларни кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қўйилади. Шу каби хайрли талбирлар орқали 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш назарда тутилган.

Айни йўналишдаги ташаббусдан кўзланган мақсадни давлатимиз раҳбарининг ушбу мулоҳазалари билан изоҳлаш кифоя: «*Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғў аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.*»

Яқин икки йилда...

Санъат соҳасидаги муаммолар спорт учун ҳам «беғона» эмас. Мана, бунинг исботи: юртимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти бор. Бу ўринда мазкур рақамнинг оз ёки кўпчилиги муҳим эмас. Асосий масала ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмаслигида. Бунинг асосий сабабларидан бири яна ўша масалага бориб тақалади — моддий-техник база. Умумтаълим мактабларининг спорт анжомлари билан жиҳозланиш кўрсаткичи мамлакатимиз бўйича 56 фоиз. Бу кўрсаткич, хусусан, Сурхон-



дарё вилоятида 12, Хоразмда 14, Қорақалпоғистонда 15 фоизни ташкил этади, ҳолос. Демак, галдаги ташаббус ёшларни жисмоний чиникитириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намойён қилиши учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилгани бежиз эмас.

Ушбу ташаббус доирасида Президентимиз туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича

ўринбосарларига мутахассислар билан биргаликда ёшларнинг спорт турларига қизиқиши ҳамда спорт иншоотларининг жиҳозланиш даражасини ўрганиб, шу асосда таклифлар бериш, Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар манбасини аниқлаш вазифасини юклайди.

Ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда снгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари куриш белгиланган. Бунда олис ва чекка қишлоқлар ҳам четда қолмайди. Ташаббускор талбиркорларга спорт иншоотлари ташкил этиш учун ер ажратилади. Уларга Ўзмиллибанк томонидан «Ёшлар — келажакимиз» дастури доирасида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони кўпайтирилади. Жойлардаги спорт мактабларига халқаро мусобақаларда голиб бўлган таниқли спортчилар раҳбар этиб тайинланади. Спортчиларни олий ўқув юрталарининг махсус сиртки бўлимларида мақсадли ўқитишни йўлга қўйишдан ҳам яхши натижалар кутилмоқда.

Қачон кўнгилдагидек бўлади?

2019-2020 йилларда илғор халқаро тажрибалар асосида барча шаҳар ва туманлар марказларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари иш бошлайди. Уларда электрон тижорат ва дастурлаш бепул ўргатилади, ахборот технологиялари соҳасида талбиркорлик билан шуғулланиш бўйича инновацион кўникмалар берилади, «стартап» лойиҳаларга ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, 19 мингта яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилмоқда.

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган учинчи ташаббус шу каби муҳим талбирларни ўз ичига олади.

Президентимиз ушбу йўналиш ҳақида сўз юритганда бугунги кунда барча мактабларда компьютер техникаси бўлишига қарамасдан, интернет хизматидан старли даражада фойдаланилмаётганини танқид қилди. Халқ таълими, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиқларига 2021 йилгача барча мактаблардаги компьютер синфларини замонавий технологиялар ва юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Талбиркорлар компьютер ўйинлари марказларини ташкил этиш орқали мазкур соҳа ривожига ўз хиссасини қўлиши мумкин. Бунда асосий талаб шуки, мазкур марказларда ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган тест, викторина, ривожлантириш стратегиялари ҳамда бошқа фойдали дастурлар бўлиши лозим.

«Маърифат карвони» йўлга отланади

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган навбатдаги ташаббусдан ўрин олган вазифаларнинг ҳам аҳамияти юқори, салмоғи кенг. Унга асосан «Маърифат карвони» йўлга отланади. Яъни, ушбу лойиҳа доирасида бадиий, маърифий, ижтимоий мазмулда китоблар чоп этилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда етказиб берилади.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этиши керак бўлади. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги барча шаҳар ва туманларда кўча китоб павильонларини жойлаштиради. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда «Библиобус»ларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ ҳамда овуллар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатилади.

Бу ҳали етарли эмас!

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси маълумотига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида худудий Хотин-қизлар кўмиталари ташаббуси билан 499 та тикувчилик, қандолатчилик ва бошқа йўналишларда кичик корхона (пех)лар ташкил этилиб, уларда 3 минг 712 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Худудларда «Устоз-шогирд» тизими асосида аёлларнинг 1 минг 461 нафари ҳунармандчиликка, 1 минг 360 нафари касаначиликка жалб этилди.

Хотин-қизлар кўмиталари 280 та оилавий боғчалар фаолиятини йўлга қўйишга кўмак кўрсатди. Бунинг яна бир хайрли натижаси уларда 821 нафар хотин-қиз учун иш ўрни яратилгани бўлди. Бу каби мисоллар сони кун сайин ортаётгани қувонарли, албатта. Аммо бу натижалар ҳали етарли дегани эмас.

Шу боис ҳам Президентимизнинг бешинчи ташаббуси хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига йўналтирилди. Бу борада 2019-2020 йилларда барча туманларда сендвич панеллардан 195 та тикув-трикотаж корхоналарини ташкил этиш белгиланган. Улар аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойларда қурилади. Натижада хотин-қизлар учун 24 мингдан ортик доимий иш ўрни яратилади. Давлатимиз раҳбари айни масалада яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратади. Унга кўра, меҳнат қилиш истагидаги аёллар иш ўринлари сонидан анча кўплигидан келиб чиқиб, корхоналарда ишни 2 сменда ташкил этиш, уларда харидор-гир маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур.

Миллиардлардан ҳам зиёд

Катта мақсад ва муҳим вазифаларни мужассам этган ушбу ташаббуслар фақат миллионлаб ёшларга аталган эмас. У юртимиз ва бутун халқимиз тақдирига дахлдор. Чунки ёш авлод бугуннинг куч-қурағи, эртанинг эгаси, келажак яратувчиси экани аниқ-равшан. Демак, миллионлаб йигит-қизларга аталган беш ташаббуснинг аҳамияти ва қиймати миллиардлардан ҳам зиёд.

Феруза КАРИМОВА



АҚШнинг машҳур «Photography Life» ижодий гуруҳи аъзолари 6-9 апрель кунлари Хоразм вилоятида тасвирга олиш ишларини олиб борди. Энди Хоразм манзаралари «National Geographic» журналида чоп этилади.



Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг 2018 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҲИСОБОТ

2018 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди тасдиқланган Дастурига мувофиқ, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация қилиш ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилди.

1. Фондининг ҳисобот давридаги фаолиятига шараҳ.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди фаолияти ва уни ривожлантириш Дастурига мувофиқ, фуқаролик жамияти институтларининг дастур ва лойиҳаларини давлат гранти, давлат субвенцияси ва ижтимоий бурют-маси шаклида қўллаб-қувватлашнинг ҳажмини аниқлаш ва тақсимлаш масалалари юзасидан ижтимоий шериклик субъектларининг тақдирини йиғиш, умумлаштириш ва ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари лойиҳасини кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун белгиланган маблағ миқдори тўғрисидаги Парламент комиссиясининг тақдимномаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетини таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 15 млрд. сўм маблағ ажратилди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Халқаро пресс-клуб» ННТни давлат субвенцияси шаклида қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча равишда 2 млрд. 750 млн. сўм ажратилди ҳамда жами ажратилган маблағ 17 млрд. 750 млн. сўм ташкил этди.

2008 йилга нисбатан Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳажми 8,1 баробарга, 2017 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошди.

Конунчилик нормалари, Парламент комиссиясининг 2018 йил 5 мартдаги 4-сонли Қарорига мувофиқ ажратилган маблағлар қуйидагича тақсимланди:

- давлат грантларига — 6 млрд. 550 млн. сўмни ёки жами маблағнинг 36,9%;
- давлат ижтимоий буюртмаларига — 3 млрд. сўм ёки жами маблағнинг 17,0%;
- давлат субвенцияларига — 8 млрд. 200 млн. сўм ёки жами маблағнинг 46,1%.

Ҳисобот даврида Парламент комиссиясининг 2018 йил 5 мартдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган вазибалар босқичма-босқич амалга оширилди. Унга кўра, давлат субвенциялари ва давлат грантлари ажратилиши, давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштиришнинг асосий мавзулари ва йўналишлари, мақсад, вазибалари, шартлари ва муддатлари ҳамда уларга ажратилган маблағлар миқдорлари тасдиқланди.

1.1. Танловларни ташкил этиш, дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

Ҳисобот даврида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун 1 та ҳамда давлат грантларини ажратилиш учун 8 та, жами 9 та танлов ўтказилди.

Парламент комиссиясининг 2018 йил 5 мартдаги 4-сонли қарори билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг ҳисобот йилидаги давлат гранти танловлари ўтказилишининг тасдиқланган режаси тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланди.

Хусусан, Давлат грантлари қуйидагиларга йўналтирилди:

1. «Харакатлар стратегиясининг «Фаол тadbirkorлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТнинг

инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусидаги давлат гранти 1-танловига жами 267 та фуқаролик жамияти институтларидан 9,3 млрд. сўмлик 320 та лойиҳа қабул қилинди.

Парламент комиссиясининг 2018 йил 1 июндаги 33-сонли қарорига асосан 54 та лойиҳа 1 млрд. 500 млн. сўмга молиялаштирилди.

2. «Хорижий ва маҳаллий ОАВда юксак ҳуқуқий тафаккурни, инсон ҳуқуқлари маданиятини, жамоатчилик назоратининг инновацион шакл ва механизмларини кенг тарғиб этиш» мавзусидаги давлат гранти 2-танловига жами 109 та фуқаролик жамияти институтларидан 3,5 млрд. сўмлик 113 та лойиҳа қабул қилинди.

Парламент комиссиясининг 2018 йил 1 июндаги 33-сонли қарорига асосан 45 та лойиҳа 1,250 млн. сўмга молиялаштирилди.

3. «Усиб келаётган ёш авлодни маънавий, жисмонан соғлом этиб тарбиялашга, уларда тadbirkorлик, илмий-иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга қўмаклашиш» мавзусидаги давлат гранти 3-танловига жами 162 нафар фуқаролик жамияти институтларидан 5 млрд. 1 млн. сўмлик 171 та лойиҳа қабул қилинди.

Парламент комиссиясининг қарорига асосан 49 та лойиҳа 1 млрд. 388 млн. сўмга молиялаштирилди.

4. «Аҳолининг ижтимоий-маънавий, экологик, тadbirkorлик маданиятини оширишда, ижтимоий тadbirkorлик, туризмнинг инновацион турларини жорий этишда ННТлар фаоллигини кучайтириш» мавзусидаги Давлат гранти 4-танловига жами бўлиб 156 та фуқаролик жамияти институтининг 4 млрд. 959 млн. сўмлик 167 та лойиҳаси қабул қилинди.

Парламент комиссиясининг қарорига асосан 41 та лойиҳа 1 млрд. 191 млн. сўмга молиялаштирилди.

5. «Жамиятда миллатларо бағрикенглик, тadbirkorлик, ўзаро меҳр-оқибат ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни рағбатлантириш» мавзусидаги давлат гранти 5-танловига жами 83 та фуқаролик жамияти институтларидан 3 млрд. 60 млн. сўмлик 103 та лойиҳа қабул қилинди.

Парламент комиссиясининг қарорига асосан 35 та лойиҳа 1 млрд. 50 млн. сўмга молиялаштирилди.

6. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари — олий қадрият» мавзусидаги давлат гранти қўшимча 6-танловига жами бўлиб 163 та фуқаролик жамияти институтининг 5,1 млрд. сўмлик 175 та лойиҳаси қабул қилинди.

Парламент комиссиясининг қарорига асосан 20 та лойиҳа 500 млн. сўмга молиялаштирилди.

7. «Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, унинг натижаларини ОАВда кенг ёритишни қўллаб-қувватлаш» қўшимча давлат гранти 7-танловга қабул қилинган 126 та лойиҳадан 21 та лойиҳа 600 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

8. «Фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини юксалтириш» қўшимча давлат гранти 8-танловга қабул қилинган 52 та лойиҳадан 11 та лойиҳа 320,5 млн. сўмга молиялаштирилди.

Парламент комиссиясининг қарорига мувофиқ, «Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, унинг натижаларини ОАВда кенг ёритишни қўллаб-қувватлаш» мавзусида қўшимча 7-давлат грант танлови ва «Фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини юксалтириш» мавзусидаги қўшимча 8-давлат гранти танлови ўтказилди.

Қўшимча давлат гранти 7- ва 8-танлови маблағлари Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг бюджет ҳисоб ва рағидидаги давлат ижтимоий буюртмаси танловидан ортиб

қолган 750 млн. сўм ва давлат грантидан қолган 170,5 млн. сўм маблағнинг йўналтириш ҳисобига шакллантирилди.

2018 йил амалда 95 та устувор йўналиш бўйича давлат грантининг 8 та танлови ўтказилди ва унда 1115 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 1229 та лойиҳа билан иштирок этди. Уларнинг натижаларига кўра, 276 та ижтимоий аҳамиятли дастур ва лойиҳалар умумий қиймати 7 млрд. 800 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жойлардаги маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг саёбий оқибатларидан оғоҳлантирувчи турли кўргазмалар ахборот ва ўқув материаллари тайёрлади, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойиллари, турли юқумли касалликларга профилактикаси, гигиена ва санитария масалаларида кенг тунтутириш ишлари олиб борилди. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлат органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик масалаларида ёшларнинг, меҳнат мигрантлари оила аъзоларининг ижтимоий-маънавий ва тadbirkor-экологик маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутди.

Хусусан, Қаракатлар стратегиясининг «Фаол тadbirkorлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат грантлари доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

1. «Ёшлар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш маркази» Қашқадарь вилоят бўлимининг «Стратегия қадиргоғлари» лойиҳаси:

Қашқадарь вилоятининг 11 туманида 250 дан ортиқ ёшлар билан «B2B», «B2G» ва «G2B» замонавий форматда учрашувлар ўтказилди, ёшларнинг инновацион бизнес гоғлари қўллаб-қувватланган. Натижада 25 нафар ёш тadbirkorга кредит маблағлари ажратилган. Ҳар бир тadbirkor 3 тадан, жами 75 та янги ишчи ўрни яратган.

2. «САБР» Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази «Менинг тadbirkorлигим — одам фаровонлиги» лойиҳаси:

57 нафар ишсиз ва ҳунари бўлмаган аёллар пазандачилик, тикиш-бичиш, сартарошлик, миллий ҳунармандчилик касблари ўқитилди. Шунингдек, ишсиз аёлларга ўз бизнесларини бошлаши учун 17 млн. сўм миқдорда микрокредитлар берилди.

3. Фаргона вилояти «Орзу» ННТнинг «Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг инновацион услуби» лойиҳаси:

Фаргона тумани «Оқ Билол» қишлоғида фойдаланилмай ва эроқсин ҳолатда бўлган 2 та сув қудуқ ҳашар йўли билан тозаланган. Капитал таъмирланиб, замонавий насослар ўрнатилган. Бунинг натижасида «Оқ Билол» қишлоғида истиқомат қилаётган 6 миңдан ортиқ фуқаро тоза ичимлик суви билан таъминланган.

4. Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси вилоят бўлимининг «Тошкент вилояти ногирон ишбилармон аёлларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, касб-ҳунарга ўргатиш ва ишга жойлаштириш» лойиҳаси:

Ташкилот қошида ногирон хотин-қизларни ва кам таъминланган оила аъзоларини тикувчилик ва пишириқчилик касбига ўқитиш мақсадида ижтимоий марказ ташкил этилди. 30 та ногиронлиги бўлган аёллар ва 20 та кам таъминланган оила аъзолари касбга бегараз ўқитилди. 3 та ишчи ўрни яратилди.

5. Наманган вилояти «Мен ва оилам» жамоат бирлашмасининг «Оилаларда соғлом муҳитни юксалтириш, аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини тарғиб қилиш» лойиҳаси:

Наманган шаҳрининг 10 та МФЙда, жумладан, Меҳрибонлик, Оромгоҳ, Шол-

лик, Аҳсикент, Зарафшон, Янги қурилиш, Марғилон, Оби ҳаёт, Обод ва Бог маҳаллаларида «Тер-а-Тер» инновацион форматда жами 2 000 га яқин хотин-қиз билан жонли мулоқотлар олиб борилди. Психологик, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, низоли, нотинч 40 дан ортиқ оилаларда соғлом муҳит шакллантирилди, аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий мероси тарғиб этилмоқда.

6. Фаргона вилояти «Оқжар чашмаси» нодавлат ноғижорат ташкилотининг «Оқжар маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини инновацион услубда тоза ичимлик суви билан таъминлаш ёки ҳар бир хонадонда тоза сув» лойиҳаси:

Оқжар қишлоғидаги ишлаётган сув қудуғи тозаланди. Ялтир ва Журғун қишлоғидagi янги ташкил бўлган кўчалардаги 80 га яқин хонадон оилалари тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Давлат гранти лойиҳаларини амалга оширишга ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 3 млрд. 212 млн. сўм ўз маблағлари ҳамда 1080 нафар кўнгилнинг меҳнати жалб этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. 324 та ўқув курси ва марказлари ташкил этилиб уларда аҳолининг турли қатламларига мансуб бўлган 27091 киши ўз касбий малакаларини оширди. Давлат грантлари лойиҳалари доирасида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 461 та янги иш ўрни яратди. Турли йўналишда 7132 та тadbirkor ўтказилди ва уларда 642591 нафар киши иштирок этди. Давлат гранти олувчилар томонидан 10 469 донга турли тарқатма материаллар тайёрланди. Давлат грантларини амалга оширган фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базаси 1015 донга замонавий ахборот-коммуникация техникаси, ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан мустаҳкамланди, бу мақсадлар учун улар томонидан 2 млрд. 962 млн. сўм ўзлаштирилди.

Давлат гранти лойиҳаларини амалга ошириш давомида 984 киши умумий суммада 1 млрд. 710 млн. сўмлик ойллик иш ҳақи олди.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёндари босма ва электрон ОАВда 242 маротабадан кўпроқ ёритилди.

1.2. Давлат ижтимоий буюртмаларининг жойлаштирилиши ва уларнинг натижалари.
Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Коғунинг 21-моддаси ва давлат органларининг талабномаларига мувофиқ ташкил этилган давлат ижтимоий буюртмаси танловларига 26 та ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг 9,3 млрд. сўмлик 28 та лойиҳаси қабул қилинди. Уларнинг 23 нафари нодавлат ноғижорат тақдирини ҳамда 3 таси оммавий ахборот воситасидан тақдим этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 750 млн. сўмлик давлат буюртмасига лойиҳалар тақдим этилмади. Ортиб қолган маблағ ҳисобига давлат гранти учун қўшимча танловга йўналтирилди.

Парламент комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ, 2018 йилда жами 8 та ташкилот гоғиб деб топилди ва 2 млрд. 250 млн. сўмга молиялаштирилди. 2018 йилда ажратилган ижтимоий буюртмалар қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

1. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, айниқса, ногиронлиги бўлган ёшларнинг соғлигини реабилитация қилиш шарт-шароитларини янада яхшилашга қўмаклашиш мақсадида «Соғлом авлод учун халқаро фонди» ва Республика болалар мостлашув марказларининг 2 та ижтимоий буюртма лойиҳаси 1 млрд. 200 млн. сўмга қўллаб-қувватланди.

Лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида болалардан ногиронлиқнинг олдини олишга, туғма ва ирсий касалликларни барақт аниқлашга, кам таъминланган оилаларда туғма юрак хасталиги билан туғилган болаларни (ногирон бўлган болаларни) даволаш-



Ўзбекистонда Республика ихтисослаштирилган травматология илмий-амалий тadbirkor маркази иш бошланди.

га, имконияти чеklangан болалар, оилалар реабилитацияси ва мослашуви, уларнинг жисмоний фаоллиги, ўсиши ҳамда умумий ривожланишини фитнес терапия (давловчи жисмоний тарбия) ёрдамида тиклаш тизими-ни тақомиллаштиришга кўмаклашилди.

Ижтимоий буюртмани амалга ошириш натижасида кам таъминланган ва эҳтижман оилаларнинг бемор болаларига инсонпарварлик ёрдами сифатида тузма юрак хасталигини бартараф этиш мақсадида 50 нафар бола жароҳлик амалиёти ўтказилди, жароҳлик жароҳли оқсигенаторлар, дори-дармонлар ҳамда сарфланадиган бошқа материаллар билан таъминланди. Тузма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва профилактикасига услубий кўмаклашувчи 4 хилдаги кўргазмали буклетлар, плакатлар ва бошқа ахборот материаллари тайёрланди. Болалар мослашув марказининг Самарқанд филиали 132 м² умумий майдонда фитнес терапия зали ташкил қилинди, 4 та югуриш йўлакчаси, 2 та багута, 4 та велотренажёр, 10 та бўйра-тўшақ, 8 та ҳар хил треджёллар ва Дамас автомобилли билан таъминланди.

2. Жамиятга ҳуқуқий ва экологик маданиятини, аҳолининг фуқаро муҳофазаси соҳасида билим ва кўникмаларини оқсатиришда давлат органлари билан ҳамкорликни кучайтириш мавзусида Ёш ҳуқуқшунаслар Кенгаши, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институтига, «Хуррият» газетасига, «Жонли табиат биоэкологик маркази» жамоат бирлашмасига, Қизил ярим ой жамиятига жами 650 млн. сўмлик ижтимоий буюртмалар ажратилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишда, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича 3 та ўзини ўзи боқадиган органида ҳуқуқий маслаҳатхоналар очилди.

Сўд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини янада кенгайтириш мақсадида 5 та семинар-тренинг ўтказилди, унда 350 дан орტიқ ОАВ ходимлари иштирок этиди.

«Жайрон» экомаркази ҳудудидagi Пржевал отлари, жайрон, қулонларни сақлаш учун ўралган 500х500м² майдонча таъмирланди.

Тоғли, ўзоқ ва чегара ҳудудларида жойлашган маҳалларда февралда вазиятлар бўйича 10 та назарий семинар, февралда вазиятларга яқинлаштирилган амалий иммитация тадбирлар ўтказилди.

3. Миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлиқни, ақин кўшичиликни, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро алоқаларини мустаҳкамлашга амалий ёрдам кўрсатилди. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Корейс маданий марказлари уюшмасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмасига 400 млн. сўмлик давлат ижтимоий буюртмаси ажратилди. Корейс миллий маданий марказига ажратилган давлат ижтимоий буюртмаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобига 2 қаватли «ННТ ва Дустлик уйи» биноси таъмирдан чиқарилди.

Ажратилган ижтимоий буюртмалар давомиди 71 та ходим бўлиб, 47 та тарқатма материал, 64 200 та ахборот берувчи ва янгилик харақтерига эга бўлган материаллар, шу жумладан, 30 дан ортиқ телерадиоқўрсатувлар тайёрланди ҳамда 366 дан ортиқ мақола ва медиа маҳсулотлар берилди.

Модий-техник базани мустаҳкамлаш учун 576,5 млн. сўм (59 та инвентар ва бошқа) маблағ сарфланди. Давлат ижтимоий буюртмалари лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

1.3. Давлат субсидияларининг ажратилиши ва уларнинг ўзлаштириш натижалари.

2018 йилда 7 та ташкилот – ФЖШМҚМИ, ЎзННТМА, ЎзОАВМА, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон мустақил босма

ОАВ ва АА қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Тараққиёт стратегияси» маркази, Халқаро пресс клубининг йиллик фаолияти дастурларини қўлаб-қувватлаш мақсадида 8 млрд. 200 млн. сўм ажратилди.

Давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан субсидия олувчиларнинг 277 штат бирлигини иборат бўлган девонлари харажатлари қопланди. Шунга қўра, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси харажатлари давлат субсидиясининг умумий ҳажмида 81 фойзни ташкил этди.

Давлат субсидияси олувчилари йил давомида 2912 та ҳудудий ва республика таъмирларини, жумладан, 4 та халқаро талбирларни ўтказди ва уларда 150 366 киши иштирок этиди.

Хусусан, субсидия олувчи ташкилотлар қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан ўз тақлифлари билан иштирок этиди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳофазаси шулар жумласидандир. Давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентини фармон ва қарорларининг жойлардаги ижроси мониторинг қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамалякати демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига биноан ФЖШМҚМИ томонидан ушбу фармонга асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш борасида ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг 77 нафар вақилига кўкрак нишони топширилди. Парламент комиссияси қарорига мувофиқ, кўкрак нишони билан боғлиқ харажатлар учун 115 млн. сўм маблағ ажратиб берилди.

ЎзОАВМА томонидан ҳисобот даврида «Менинг юртим» ҳамда «СеvimлиТВ» телеканаллари эфирини «Хўд» ва «Замон» информацион дастурлари тайёрлаб, ассоциацияга аъзо ҳудудий телестанциялар эфирларига ҳам бериб борилди. 2018 йил давомида «O'zbekiston online» радио ахборот дастури орқали 200 дан ортиқ репортаж, ахборот лавҳаси, «Замон» ахборот дастурининг 650 та сониди 680 та репортаж, 807 та ахборот лавҳаси ҳамда 1577 та бошқа жанрлиги телемаҳсулотлар тайёрланди.

Шунингдек, «Журналистлар баҳори», «Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида», «Навқирон журналист — 2018» медиа лагери, «Озол юрт тўқинлари» миллий фестивали «Ижтимоий медиа маҳсулотлар» 11-миллий фестивали ўтказилди.

Халқаро пресс клуб томонидан йил давомида 91 та талбир ўтказилди. Шундан 79 та сессия, 7 пресс брифинг, 2 та пресс кофе, 3 та Тет-а Тет форматидagi талбирларлири. Йил давомида Пресс клуб сессиялари 200 соатдан ортиқ эфирга узатилган бўлиб, шундан 68 соати жонли эфирда берилди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан йил давомида 50 дан ортиқ кўрсат

тувлар, интервью ва график роликлар тайёрлаб, оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилди. Харажатлар стратегияси доирасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва ривожланиш концепциялари муҳофазасига бағишланган 30 дан зиёд экспертлик ва жамоатчилик муҳофазалари ташкил этилди. Хорижий давлатлар сийёси ва академик доиралари, бизнес ҳамжамиятлари ва жамоатчилик вақилларини кенг хабардор қилиш мақсадида марказ вақиллари томонидан Германия, Франция, Бельгия, Буюк Британия, АҚШ, ХХР, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Хилдистон, Баҳрайн, Италия, Туркия, Корея, Япония каби давлатларда 33 та тақдимот ўтказилди.

Мамалякатида демократик ислоҳотларнинг амалга оширилишининг боришини ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнини ёритишга қаратилган 16 928 дан ортиқ медиа маҳсулот босма ҳамда электрон тарзда ОАВда ёритилди.

2. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий базани, иқтисодий ва ҳуқуқий қарорларини тақомиллаштириш, уларнинг эркин ва мустақил ривожланишига кўмаклашилди.

Ҳисобот даврида Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди ходимлари бир қатор норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиди. Хусусан:

Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди, унинг Вақийлик Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашлар ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этилди.

Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонднинг тақлифига мувофиқ, жойлардаги вақиллик органлари ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари фаолиятига ҳамда ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига доимий услубий ёрдам бериш мақсадида Парламент комиссияси аъзолари масъул этиб белгиланди.

Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди ўтказётган давлат гранти танловлари ва ролиблари тўғрисидаги ахборотларни маҳаллий вақиллик органлари ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияларига, шунингдек, бошқа давлат органларига мунтазам юбориш механизми жорий этилди ва бу, ўз навбатида, жамоат комиссияларининг маъсулиятини кучайтиришга ҳамда ННТнинг давлат гранти лойиҳаларини самарали амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Шунингдек, «Ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширган нодавлат нотижорат ташкилотларини мукофотлаш ва танлов ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатилди.

2.3. Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди фаолияти очкилиги ва шаффофлиги таъминланди.

Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди ўзининг 2018 йилдаги фаолиятини ҳамда мол-мулкдан фойдаланишини очкилик, ошкоралик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширди.

Мазкур тамойилларга асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Сенатига, Ҳисоб палатасига, Парламент комиссиясига, Молия ва Алия вазириликларига, Давлат солиқ қўмитасига, Давлат статистика қўмитасига, Меҳнат вазириликка ва бошқа давлат ташкилотларига тегишли ҳисоботларини бериш йўли билан амалга оширди.

Белгиланган тартибда ички аудит амалга

оширилди, Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондининг йиллик ҳисоботи ОАВда мунтазам равишда чоп этилди. Парламент комиссиясининг қарорига асосан Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондининг 2017 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти текширувдан ўтказилди.

Парламент комиссиясининг йиғилишларида жамоат фондининг ҳисоботлари мунтазам равишда муҳофазат қилиб борилди.

Очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларини амалда қарор топтириш мақсадида ОАВ – телевидение, радио, интернет, босма ОАВ ва бошқалар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўлаб-қувватлашнинг миллий механизми фаолияти 6863 марта давлат ва нодавлат босма ва электрон ОАВда ёритилди. Давлат грантларини ажратиш бўйича танловларга оид эълонлар 4000 мартадан ортиқ турли теле-радио каналлар орқали эфирга узатилди.

Марказий босма ОАВда Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди ва Фонд маблағларини боқариш бўйича Парламент комиссиясининг фаолияти ҳақида 200 га яқин мақола чоп этилди.

2018 йил 17 март куни Халқаро пресс клубда жонли эфир орқали Парламент комиссияси ва Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондининг 2017 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2018 йилдаги устувор вазифалари тўғрисида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

2018 йил 6 сентябрь куни Хоразм вилоятида Парламент комиссияси аъзолари ва жамоат фонди ходимлари иштирокида Парламент комиссиясининг қўшма йиғилиши ўтказилди.

Сайёр йиғилиш билан бирга Хоразм вилояти Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамалякати демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш бўйича «Замонавий демократик ислоҳотлар жараёнида ижтимоий шериклик жамоатчилик назорати самардорлигини оширишнинг муҳим омиллари» мавзусида туркум тадбирлар ташкил этилди.

Хоразм вилояти ҳокимлигининг буюртмаси доирасида молиялаштирилган давлат ижтимоий буюртмасининг натижаси бўлган Урганч шаҳрида «ННТ ва дустлик уйи»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дустлик уйини очилиш маросимида Парламент комиссияси аъзолари, Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ҳузурдаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси аъзолари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари иштирок этиди.

Шунингдек, Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди, Алия вазирилик, Халқ депутатлари вилоят кенгаши, ЎзННТМА томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожланишига тўсқин бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан сайёр қабул ташкил этилди.

Ҳисобот даврида Парламент комиссиясининг 13 та йиғилиши ўтказилиб, уларда «учинчи сектор» субъектларининг фаолияти доир, жамиятда ижтимоий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ 50 дан ортиқ долзарб масала кўриб чиқилди. Муҳофазат қилинган масалаларнинг натижалари электрон ҳамда босма ОАВда кенг ёритилди.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўлаб-қувватлаш миллий механизмининг фаолияти Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон 24», «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Маданият ва марифат» телеканаллари ҳамда Ўзбекистон электрон ОАВ Миллий ассоциацияси Ахборот маркази, «Sevimli», «Менинг юртим», «Uzreport» ва бошқа телерадиоканалларда 12 мингдан мартадан ортиқ эфирга узатилди.

Парламент комиссияси ва Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фондининг фаолияти «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Uzbekistan Today», «Жамият», «Хуррият» ҳамда бошқа ҳудудий ОАВда кенг ёритилди.

Олий Мажлис ҳузурдаги жамоат фонди Ижро девони.

5. 2018 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи. (бухгалтерия баланси).

Кўрсаткичлар номи	сатр коди	2018 йил млн.сўм	Кўрсаткичлар номи	сатр коди	2018 йил млн.сўм
АКТИВ			ПАССИВ		
<i>Жорий активлар</i>			<i>Ўз маблағларининг манбалари</i>		
Айланма активларнинг яқуни	390	1 181,3	Ўз маблағларининг манбалари яқуни	480	1 181,3
Баланс активи бўйича жами	400	1 181,3	Баланс пассиви бўйича жами	780	1 181,3



Эндиликда ҳайдовчилар Ўзбекистонда кундуз куни транспорт воситалари чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шарт.

Баҳодир Жалоловдан яна бир ғалаба

Профессионал боксинг ўта оғир вазн тоифа-сида рингга чиқаётган ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов чемпионлик камари учун кечган жангда америкалик боксчи Брендан Барретни биринчи раунддаёқ нокаутга учратди.

Шу тариқа Баҳодир Жалолов профессионал боксдаги илк чемпионлик камарини қўлга киритди. Маълумот учун, Жалоловнинг профессионал рингда ўтказган жанглари сони 6 тага етди. У барча жанглари муддатидан аввал нокаут билан якунлаган.



Тошкент жаҳон кубоги мезбони

Жорий йилнинг 19-21 апрель кунлари пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтади.



Олимпия ўйинларига рейтинг очколарини тақдим этувчи ушбу Жаҳон кубоги мусобақалари тўртинчи босқичдан иборатдир. Тошкентдаги мусобақа учинчи босқич, тўртинчи босқич эса 26-28 апрель кунлари Боку шаҳрида ўтказилади. Беллашуларга кириш бепул.

Шахматчиларимиз қуруқ қайтмади

Шахмат бўйича Шри-Ланкада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар совриндорлар сафидан жой олди.

Ўз ёш тоифаларида Умида Омонова, Руқия Олимова, Афруза Ҳамдамова, Ҳумоюн Бегмуратов ва Абдималик Абдисалимовлар 5 та олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритди.



Бизда ҳам «VAR» бўлади

Келгусида футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатида ҳакамларга видеоқўмак тизими — «VAR» технологиясидан фойдаланилади.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси маълум қилишича, яқин келажда барча стадионлар «VAR» тизими билан жиҳозланади. Бунинг учун майдонларни шу жараёнга тайёрлаш керак. Бу эса 4-8 ой вақтни олади.



ҲАЁТДАН олган ҲАҚИҚАТларим...

1. Виждонимдан бошқа ҳамма нарсани сув билан ювиб, тозалай олдим.
2. Шундай камбағал дўстларим борки, уларнинг пулидан, молу давлатидан бошқа ҳеч нимаси йўқ.
3. Ўйинни тугатганимдан сўнг, шоҳни ҳам, пиёдани ҳам бир қутига жойладим, шундай экан, сен билан ўйнашмоқни ўзимга раво кўрмадим.
4. Қиймат бошқа экан, қадр-қиммат бошқа экан, аслида.
5. Бефарқлик, жимжитлик, хотиржамлик ва соқинлигим билан сени жазолаб, ўз-лигимни сақлаб қолдим.
6. Юрагимга ёмонлик киритмай қўйган дақиқаларимдан бахтлиман.
7. Қанча олсам, шунча камбағал эканлигимни, қанча берсам, шунчалик бой давлат эканлигимни англадим (илм).

Барногул САНАҚУЛОВА



XALQ BANKI

Aksiyadorlik tijorat Xalq banki "Zolotaya Korona" xalqaro pul o'tkazmalari tizimi bilan birgalikda mijozlar uchun aksiya e'lon qiladi.

Xalq banki filiallarida "Zolotaya Korona" orqali chet davlatlarga 2 va undan ko'p marta mablag'lar yuboring va "Omadli o'tkazma" aksiyasi ishtirokchisiga aylaning!

Aksiya 2019 yilning 15 apreldan 31 iyulgacha davom etadi va 3 ta bosqichda o'tkaziladi:

1 bosqich – 2019 yil 15 apreldan 14 maygacha;
2 bosqich – 2019 yil 15 maydan 14 iyungacha;
3 bosqich – 2019 yil 15 iyundan 31 iyulgacha.
Har bir bosqichda 5 ta g'olib aniqlanadi.

Aksiya davomidagi har bir bosqichda quyidagi sovrlardan birini qo'lga kiritishingiz mumkin:

- televizor;
- noutbuk;
- smartfon;
- planshet;
- changyutgich.

Shuningdek, aksiya bank operatorlari uchun ham 4 ta nominatsiyada o'tkaziladi. ("Maksimal o'sish", "Uzoq mamlakatlarga eng ko'p o'tkazmalar", "Konvertatsiya asosida chet elga o'tkazmalar", "O'tkazmani berish"). Har bir nominatsiyada aksiya shartlari asosida maksimal summaga ega bo'lgan 3 ta operator (nominatsiya g'oliblari) bonus ballari bilan taqdirlanadi. Bunda:

- 1- o'rin – 10 000 bonus ballni,
- 2- o'rin – 8 000 bonus ballni,
- 3- o'rin – 5 000 bonus ballni tashkil etadi.

Aksiya yuzasidan qo'shimcha ma'lumot va qoida (<http://xb.uz/uz/info/aksiyadorlik-tijorat-xalq-banki-zolotaya-korona-xalqaro-pul-otkazmalari-tizimi-bilan-birgalikda>)larni Xalq bank xodimlaridan yoki koronapay.com xb saytidan olishingiz mumkin.

Aksiya davomida barchangizga omad tilaymiz!

Золотая
Корона

XALQ BANKI

Xalq banki filiallarida «Zolotaya Korona» orqali chet davlatlarga mablag'larni yuboring

Ko'proq ma'lumot oling

Aksiyasida ishtirok eting!

Omadli o'tkazma

Aksiya 2019 yilning 15 apreldan 31 iyulgacha davom etadi.

Sovrinlar:

- » televizor
- » noutbuk
- » smartfon
- » planshet
- » plesos



Bank axborot xizmati

Xizmatlar lisenziyalangan.

Об-ХАВО	
12 апрель	+25°C
13 апрель	+13°C
14 апрель	+26°C
15 апрель	+14°C
16 апрель	+26°C
17 апрель	+17°C
18 апрель	+26°C
19 апрель	+15°C
20 апрель	+22°C
21 апрель	+14°C
22 апрель	+22°C
23 апрель	+16°C
24 апрель	+26°C
25 апрель	+12°C

ob-havo.uz saytidan olingan.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество» — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Рустам Комилов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Саид-Абдулазиз Юсупов
Шавкат Жавлонов
Руфат Незматов
Феруза Мирзақомилова

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-414 Адади: 2504.

Жума куни чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Хайрулло АСТАНАҚУЛОВ

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.ru Газета индекси — 131

«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА ақуни: Топширилган вақти: 20.35

1 2 3 4 6